

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК -ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ФОЗИЛОВ САДРИДДИН ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**ПОЛИМЕР ЧИҚИНДИЛАРДАН ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛГИЛАРИ УЧУН
ТУРҒУНЛАШТИРУВЧИ ҚЎНДИРМАЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.08 – Нефт ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the dissertation abstract of doctor of science (Doctor of Science)
on technical science

Фозилов Садриддин Файзуллаевич Полимер чиқиндилардан дизель ёқилғилари учун турғунлаштирувчи кўндирмалар олиш технологиясини яратиш.....	3
Фозилов Садриддин Файзуллаевич Разработка технологии получения депрессорных присадок для дизельных топлив из полимерных отходов.....	29
Fozilov Sadriddin Fayzullayevich Development of technology of receiving pour point depressants for diesel fuel from polymer waste products.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ФОЗИЛОВ САДРИДДИН ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**ПОЛИМЕР ЧИҚИНДИЛАРДАН ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛГИЛАРИ УЧУН
ТУРҒУНЛАШТИРУВЧИ ҚЎНДИРМАЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.08 – Нефт ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.2. DSc/Г72 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик – технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ҳамидов Босит Набиевич

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Икрамов Абдувахоб

техника фанлари доктори, профессор

Сайдахмедов Игамберди Мухторович

техника фанлари доктори, профессор

Мухиддинов Баходир Фахриддинович

кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Г.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй.Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail:tkti_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй.Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги №__ рақамли реестр баённомаси).

С.М.Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

А.С.Ибодуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби т.ф.д., профессор

Ғ.Р.Рахмонбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) дисертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда амалга оширилаётган автомобил транспортини дизеллаштириш жараёни дизель двигателининг карбюраторли двигателга нисбатан тежамлилиги ва юқори фойдали иш коэффициентига эгаллиги натижада дизель ёқилғисини ишлаб чиқариш 1,7 млрд. тоннадан 2 млрд тоннагача ортди. Дизель ёқилғисига ортиб бораётган талабларни қондириш, мақсадида уларга турғунлаштирувчи қўндирмаларни киритиш долзарб муаммолардан биридир. Бу борада уларнинг янги самарали турларини ва технологияларини яратишга илмий тадқиқот ишлари йўналтирилган¹.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг дизель ёқилғиларига қўшилувчи полимер турғунлаштирувчи қўндирмаларни қўллаш ва уларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан «Шўртан газ кимё» мажмуаси чиқиндиси ҳисобланган қуйи молекулали полиэтилен ва метакрил кислотасининг чокланган маҳсулотини гидроксиметилбензоксазолтион билан этерификациялаб дизель ёқилғиси учун турғунлаштирувчи хоссани намоён қиладиган янги полимер қўндирмалар синтез қилинди. Шунингдек, «Навоиазот» ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқариладиган гидролизланган полиакрилонитрил (ГИПАН) асосида ҳам турғунлаштирувчи қўндирма хоссаларини намоён қиладиган полимер-перепаратлар олинди. Нефт-газ соҳасининг ривожланишини янги босқичга кўтаришда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим аҳамият касб этиб, бу борада жумладан, дизель ёқилғиларига маҳаллий хом ашёлар асосида турғунлаштирувчи моддалар олиш технологияси яратишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида дизель ёқилғилари учун қўндирмалар олиш технологияларини янгилаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда: дизель ёқилғиларига нанотехнологиялар асосида олинган ва фойдали иш коэффициенти юқори универсал қўндирмаларни яратиш; иккиламчи хом ашёлардан дизель ёқилғилари учун янги турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш; полимер турғунлаштирувчи қўндирмаларнинг паст ҳароратда ишловчи янги турларини яратиш; дизель ёқилғилари учун полимер ва сополимерли турғунлаштирувчи қўндирмаларни олиш технологик жараёнларини яратиш каби долзарб йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги ПҚ-1072-сонли «2009-2014 йилларда Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларга Ўзбекистон Республикасининг саноатини ривожлантириш устивор йўналишлари тўғрисида»ги 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар)

¹Тертерян Р.А. Депрессорные присадки к нефтям, топливам и маслам. –М.: Химия, 1990. –238 с.

Капустин В.М. Нефтяные и альтернативные топлива с присадками и добавками.-М.: Колос С, 2008.-232 с.

ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон «Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши, реализациясини назорат қилиш инспекцияси фаолиятининг ҳукуқий асослари» тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Турғунлаштирувчи кўндирмаларни синтез қилиш ва уларни дизель ёқилғиларининг қотиш ҳароратини пасайтириши шунингдек, дизель ёқилғиси физик - кимёвий ва технологик хоссаларини яхшилашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув муассалари, жумладан, Australian Institute of Petroleum (Австралия), Delft University of Technology (Нидерландия), French Petroleum Institute (Франция), West Virginia University (АҚШ), The University of Tokyo (Япония), Германиянинг Exxon, BASF илмий тадқиқот маркази, Азарбойжон илмий текшириш институти (Азәрбойжон Республикаси), Россия нефтни қайта ишлаш илмий-текшириш институти, И.М. Губкин номидаги Россия Нефт ва газ университети, Тюмень Давлат университети, Уфа Давлат университети, А.В.Топчиев номидаги нефт кимёвий синтези институти, «Депрессор присадкалар ва ингибиторлар илмий-текшириш институти», Грозний нефт илмий-текшириш институти, Альтернатив ёқилғилар илмий тадқиқот институти (Россия), Умумий ва ноорганик кимё илмий текшириш институти, Тошкент кимё-технология институти ва Бухоро муҳандислик-технология институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дизель ёқилғилари учун, пропилен ва этилен, полиметакрилат сополимерлари асосидаги турғунлаштирувчи кўндирмалар синтези ва ишлаб чиқариш технологияларини яратишга оид жаҳонда олиб бориладиган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: Keroflux ES 6100 ва Keroflux 3614 маркали турғунлаштирувчи кўндирмалар олиш технологияси ишлаб чиқилган (Германия BASF илмий

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи http://www.newchemistry.ru/printletter.phptn_id=4920, <http://www.neftelib.ru/neft-slovar-list/r/656/index.shtml>, webmaster: webmaster@ogbus.ru, <http://www.topreg.ru/article/5/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

тадқиқот маркази; пропилен ва этилендан дизель ёқилғилари учун турғунлаштирувчи қўндирмалар синтез қилинган ТОНО CHEMICAL (Япония); парафлоу турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологияси яратилган (Азэрбойжон присадкалар илмий текшириш институтида); поликонденсация усулида юқори ёғ спиртларидан дизель ёқилғилари учун турғунлаштирувчи қўндирмалар синтез қилинган (Тюмень давлат университети); Полиметакрилатлар асосида дизель ёқилғилари қотиш ҳароратини яхшиловчи турғунлаштирувчи қўндирма пакети ишлаб чиқилган (Россия нефтни қайта ишлаш илмий-текшириш институти).

Дунёда дизель ёқилғилари учун полимер турғунлаштирувчи қўндирмаларни полимерланиш ва сополимерлаш натижасида олиш бўйича бир қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турғунлаштирувчи қўндирмаларни янги авлодини синтез қилиш, уларни дизель ёқилғиларига ўзаро таъсирлашиш механизмини такомиллаштириш; турғунлаштирувчи композициялар билан дизель ёқилғиларини модификациялаш; турғунлаштирувчи композицияли қўндирмаларни олиш ва дизель ёқилғисига қўллаш технологияларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дизель ёқилғилари учун янги полимер турғунлаштирувчи қўндирмаларни олиш бўйича Б. Я. Энглин, З. А. Саблина, А.А. Гуреев, Я.Б. Чертков, А.М. Кулиев, Р.А. Тертерян, Т.Н. Митусова, А.М. Данилов, С.Т. Башкатова, В.М. Капустин, Б.Н. Ҳамидов, С.М. Туробжонов, О.М. Ёриев, М.П. Юнусов, Ш.М. Сайдахмедов, А.Т. Жалилов, И.М. Сайдахмедов, З.С. Салимов, Г.Р. Норметова, Н. Ёдгоров, О.С. Максумова, С.А. Абдурахимов, Б.А. Мухамедғалиев ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Иккиламчи полимер чиқиндилардан қуйи молекулали полиэтиленни ажратиб олиш технологияси яратилган бўлиб, бунда ишлатиладиган маҳсулотларнинг жараёнга таъсири аниқланган. Этиленнинг гетероҳалқали бирикмалар билан сополимерланиш жараёнлари ўрганилган ва ҳосил бўлган маҳсулотларни дизель ёқилғиларининг қотиш ҳароратини пасайтириш учун турғунлаштирувчи қўндирмалар сифатида қўллаш имконияти кўрсатилган. Қуйи молекулали полиэтилен, метакрилат ва ЭГИПАН билан чокланган полимерланиш кинетикаси ўрганилган бўлиб, ҳосил бўлган сополимерларни физик-кимёвий хоссалари ва уларни дизель ёқилғиси қотиш ҳароратига таъсири механизми аниқланган. Қуйи молекулали полиэтилен ва гетероҳалқали полиметакрилатлар асосидаги полимер композиция турғунлаштирувчи қўндирмалар олинди ва уларни дизель ёқилғисига (0,01-0,5 %) оз миқдорда қўшилганда қуйи ҳароратда ёқилғининг қотишини пасайиши ва қуйи ҳароратда оқиши хусусияти яхшиланганлиги текширилган.

Шу билан бирга «Шўртан газ кимё» мажмуаси иккиламчи чиқинди хомашёси ҳисобланган қуйи молекулали полиэтилен ҳамда «Навоiazот» ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилаётган нитрон толаси иккиламчи хомашёси ҳисобланган ГИПАН (гидролизланган полиакрилонитрил) асосида дизель ёқилғилари учун турғунлаштирувчи қўндирмаларни синтез қилиш;

махаллий хом-ашёлардан кенг фойдаланиш; чиқиндиларни қайта ишлаш асосида қимматбаҳо, импорт ўрнини босувчи, саноатда мақсадли фойдаланиш мумкин маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ҳамда саноатга жорий этиш долзарб муаммо бўлиб, илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-12-12 «Маҳаллий чиқиндилар асосидаги хом ашёлардан нефт ва нефт маҳсулотлари учун турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологиясини яратиш» (2012-2014 й.) мавзусидаги амалий лойиҳаси ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи билан тузилган (№ 51/026 30.03. 2011 й.) йилдаги «Разработка технологии получения депрессорных присадок для дизельных топлив на основе местных отходов» мавзусидаги хўжалик шартномалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий полимер чиқиндилардан дизель ёқилғилари учун юқори самарадорликка эга бўлган турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Шўртан газ кимё» мажмуаси чиқиндиси ҳисобланган қуйи молекулали полиэтиленни тозалаш усули технологиясини яратиш;

эпихлоргидрин билан N-бензоксазолинонметакрилатларни полимерланиш кинетикасини ва олинган олигомерларни физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

акрил кислотаси гетероҳалқали эфирлари синтези ҳамда уларни радикал полимерланиш ва сополимерланиш кинетикасини ўрганиш;

этилен билан гетероҳалқали метакрилатлар сополимерланиш кинетикасини ва олинган сополимерларнинг хоссаларини аниқлаш;

қуйи молекулали полиэтиленни метакрил кислотаси, метилакрилат ҳамда этерификацияланган ГИПАН билан чокланган полимерлари асосида турғунлаштирувчи қўндирмалар олишнинг қулай шароитларини аниқлаш;

олинган полимер турғунлаштирувчи қўндирмаларнинг дизель ёқилғиси қотиш ҳароратига таъсирлашув механизмини ўрганиш;

қуйи молекулали полиэтилен ва гетероҳалқали бирикмалар асосида турғунлаштирувчи қўндирмаларни олиш, уни дизель ёқилғисига қўллаш технологиясини яратиш;

дизель ёқилғилари учун қуйи молекулали полиэтилен ва модификацияланган ГИПАН асосида турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологиясини яратиш;

хориждан олиб келинаётган Keroflux ES 6100 ҳамда, Keroflux 3614 маркали қўндирмалар ўрнини босувчи дизель ёқилғилари қотиш ҳароратини пасайтирадиган юқори самарали турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти қуйи молекулали полиэтилен, этилен, метилакрилат, акрил кислотанинг гетероҳалқали эфири, полиметакрил кислота, модификацияланган ГИПАН ва дизель ёқилғилар.

Тадқиқотнинг предмети: полиэтилен чиқиндисидан ажратиб олинган қуйи молекулали полиэтилен ва гидролизланган полиакрилонитрил асосидаги чокланган сополимер синтез қилиш, турғунлаштирувчи қўндирмаларни олиш технологияси.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда электрон ва оптик микроскопия, УБ, ИҚ, ПМР-спектроскопик, дилатометрик ва гравиметрик усуллар, кимёвий, физик-кимёвий, технологик ва замонавий компьютер дастурларини қўллаш билан математик ишлов бериш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эпихлоргидрин билан бензоксазолонлар асосида дизель ёқилғилари қотиш ҳароратини яхшиловчи турғунлаштирувчи хоссаларни намоён қилувчи янги полимерлар олинган;

полиакрилатлар синтези ва уларни дизель ёқилғиси физик-кимёвий ва механик хоссаларига таъсири аниқланган;

илк маротаба этиленнинг гетероҳалқали метакрилатлар билан сополимерларини олиш ва уларни дизель ёқилғиси учун турғунлаштирувчи қўндирма сифатида қўллаш усули яратилган;

дизель ёқилғиси паст ҳароратли хоссаларини яхшилаш учун қуйи молекулали полиэтиленнинг чокланган полимерларини олиш усули яратилган;

маҳаллий хомашё полимер чиқиндилардан қуйи молекулали полиэтиленни ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор дизель ёқилғилари учун қуйи молекулали полиэтилен ва ЭГИПАН асосида турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

таркибида гетероҳалқа сақлаган бирикмалар билан эпихлоргидрин асосида турғунлаштирувчи қўндирмаларни олиш технологияси яратилган;

қуйи молекулали полиэтилен ва метакрил кислотаси асосида, пайванд сополимерли, турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

дизель ёқилғилари учун кўп функционалли полимер турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

турғунлаштирувчи қўндирмаларни олиш технологияси ишлаб чиқилди ва БНҚИЗ да саноат миқёсида ўтказилган тажриба-синовда ижобий натижага эришилди, иқтисодий самарадорлиги ҳисобланди ва технологик жараённинг регламенти яратилди;

гидролизланган полиакрилонитрилни этерификациялаш натижасида чокланган полимерлар олинди ҳамда улар асосида полимер композициялар тайёрланди. Олинган турғунлаштирувчи қўндирмалар БНҚИЗ 13-қурилмасида ишлаб чиқарилаётган дизель ёқилғисининг қотиш ҳароратини -18°C дан -30°C гача пасайтирганлигини аниқланилди;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ва турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш

технологиясини саноат шароитида чиқариш, уларни дизель ёқилғилари учун турғунлаштирувчи кўндирма сифатида тадбиқ қилиш билан асослангандир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эпихлоргидрин билан N-бензоксазолинон-метакрилатларни олигомерини, акрил кислотаси гетероҳалқали эфирларининг метакрилат билан сополимерларини, қуйи молекулали полиэтиленнинг ГИПАН, метакрил кислотаси ҳамда метилакрилат билан чокланган полимерларини олишнинг такомиллаштирилган технологик схемалари илмий асослари яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти «Шўртан газ кимё» мажмуаси чиқиндиси ҳисобланган қуйи молекулали полиэтиленни тозалаш усулини ва қуйи молекулали полиэтиленнинг этерификацияланган ГИПАН билан чокланган полимерларни олиш ҳамда улар асосида композицион турғунлаштирувчи кўндирмаларни ишлаб чиқариш ва дизель ёқилғисининг қотиш ҳароратини пасайтириш мақсадида уларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қуйи молекулали полиэтилен ва ГИПАН асосида турғунлаштирувчи кўндирмаларни олиш технологияси ва уларни қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турғунлаштирувчи кўндирма хоссасига эга бўлган гетероҳалқали ҳосилаларни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ихтирога патенти олинган (IAP 05233. 2016). Натижада дизель ёқилғилари учун юқори самарага эга бўлган турғунлаштирувчи кўндирмалар олишга имкон берган;

дизель ёқилғилари учун полиметакрилатли кўндирма олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ихтирога патенти олинган (IAP 20130413. 2014). Ишлаб чиқилган усул дизель ёқилғилари қуйи ҳароратли хоссаларини яхшилашда сезиларли даражада хизмат қилган.

дизель ёқилғилари учун турғунлаштирувчи кўндирма олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ихтирога метакрилат сополимерли кўндирмалар патенти олинган (IAP 20130414. 2014). Мазкур ихтирога патент дизель ёқилғиларини эксплуатацион самарадорлигини ошишига имконини берган;

яратилган полимер турғунлаштирувчи кўндирмаларни олиш технологияси ва дизель ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларини яхшилашда қўлланилди («O'ZNEFTMAHSULOT» АК нинг 2017 йил 6 сентябрдаги 09-10-157-сон маълумотномаси). Натижада корхонада хориждан валюта эвазига олиб келинаётган турғунлаштирувчи кўндирмаларни маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқарилган кўндирмалар билан алмаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 10 та халқаро ва 43 та республика илмий-амалий анжуманларда, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 83 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 26 та мақола жумладан, 3 та патент, 24 та Республика ва 2 та чет эл журналларда нашр қилинган. Халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманларда 53 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқот долзарблиги, ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари ва усуллари, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳмияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дизель ёқилғилари учун турғунлаштирувчи қўндирмалар**» деб номланган **биринчи бобида** турғунлаштирувчи қўндирмаларнинг хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлар бўйича умумий таснифи, синфланиши ва улар тўғрисидаги умумий маълумотлар, қўндирмаларнинг олиниши, физик-кимёвий хоссалари, қиёсий таҳлили, кимёвий табиати ва уларнинг дизель ёқилғисига таъсир этиш механизмлари ҳамда қўлланилишига оид адабиётлар таҳлили келтирилган. Илмий адабиётларда қуйи молекулали полиэтиленнинг чокланган полимери ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмаслиги келтирилган. Материалларни таҳлил қилиш асосида диссертацияда қўйилган муаммонинг долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Туғунлаштирувчи қўндирмалар синтези ва уларнинг кинетикасини ўрганиш**» деб номланган **иккинчи бобида** эпихлоргидрин ва N-бензоксазолинонметакрилатлар асосида турғунлаштирувчи қўндирмалар хоссаларини намоён қиладиган олигомерлар синтез қилинган. Уларни УБ-, ИҚ- ва ПМР- спектрлари ўрганилди. ИҚ-спектрида жараён бориши билан $-\text{CH}_2-\text{Cl}$ боғини 1270 см^{-1} соҳадаги валент тебраниш чўққиси интенсивлиги камайиши кузатилди, шу билан биргаликда янги $1080-1160\text{ см}^{-1}$ соҳада оддий эфир боғини $-\text{CH}_2-\text{O}$ ассиметрик тебраниши интенсив ютилиш соҳаси ҳосил бўлади, бу эпокси гуруҳни очилиши ҳисобига содир бўлади.

Акрил кислотаси гетероҳалқали эфирлари синтези ва уларни радикал полимерланиш кинетикасига турли омиллар таъсирини ва жараённи олиб боришни қулай шароитини ўрганиш мақсадида акрил кислотаси бензоксазолонил - (АКБОМЭ), бензоксазолтионил - (АКБОТМЭ),

бензтиазолонил - (АКБТОМЭ), бензтиазолтионил (АКБТТМЭ) эфирлари гомополимерланиши ўрганилди.

АКБОМЭ, АКБОТМЭ, АКБТОМЭ, АКБТТМЭ полимерланиш жараёни кинетикасига инициаторлар табиатининг таъсири ўрганилди. Кўришиб турибдики, полимерланиш тезлиги дициклогексилпероксидикарбонат (ДЦПК) иштирокида динитрилазоизомой кислотаси (ДАК) ва бензоил пероксиди (БП) иштирокидагига нисбатан юқоридир, шунингдек полимерларнинг тавсифий қовушқоклиги ДАК ва БП иштирокига нисбатан ДЦПК да кичикдир (1-жадвал).

1-Жадвал

Акрил кислотаси гетероҳалқали эфирлари полимерланиш кинетик кўрсаткичлари (эритувчи диоксан)

$[M] = 0,5$ моль/л, $[ДАК] = 3,79 \cdot 10^{-3}$ моль/л, $[In] = 0,02 - 0,15$ моль/л

Мономер	Ҳарорат, К	$V_0 \cdot 10^5$ моль/л	$V_0/[M_0]$ 10^3 C^{-1}	$K_{yc} / K_{yz}^{0,5} 10^2 \text{ M}^{3/2} \text{ моль}^{0,5},$ $\text{C}^{0,5}$	
				Топилган	Ҳисобланган
АКБОМЭ	333	1,25	5,70	1,47	1,36
	343	3,17	14,47	2,78	2,24
	353	5,57	25,43	4,25	4,17
АКБОТМЭ	333	1,75	7,44	3,28	3,59
	343	4,14	17,61	6,24	5,98
	353	5,83	24,80	9,96	7,88
АКБТОМЭ	333	1,56	6,63	1,77	1,59
	343	3,21	13,65	3,19	3,25
	353	6,59	18,04	6,79	6,74
АКБТТМЭ	333	1,83	7,29	1,93	1,67
	343	3,61	14,38	4,29	3,50
	353	6,49	25,85	6,83	6,64

Акрил кислотаси гетероҳалқали эфирларининг метилакрилат билан сополимерланиши ўрганилди. Сополимерланиш учун дастлабки компонент сифатида қуйидаги мономерлар синтез қилинди: акрил кислотасининг бензоксазолтионилметилен эфири (БОТМЭМАК), акрил кислотасининг бензоксазолонилметилен эфири (БОМЭМАК), метилакрилат (2-жадвал).


Акрил кислота гетероҳалқали эфирлари билан метилакрилатнинг радикал сополимерланишини ўрганиш шуни кўрсатдики, полимер унумининг дастлабки мономерлар концентрацияси нисбатига, ҳароратга, эритувчи табиати ва реакция давомийлигига боғлиқлиги жараённинг микдорий қонуниятларини аниқлашга имкон беради.

Акрил кислотасининг гетерохалқали эфирлари билан метилакрилат сополимерлари таркибини дастлабки мономерлар нисбатига боғлиқлиги
 $C_M=0,8$ моль/л, $C_I=0,005$ моль/л, $T=343K$



Мономерлар дастлабки нисбати, %		Сополимер унуми, %	Азот миқдори, % Къельдал бўйича	Сополимер таркиби моль, %	
M ₁	M ₂			m ₁	m ₂
акрил кислотаси бензоксазолтионилметилен эфири – метилакрилат					
0,1	0,9	6,3	0,87	22,25	77,75
0,2	0,8	6,5	1,57	37,23	62,77
0,3	0,7	6,9	2,21	45,14	54,86
0,5	0,5	7,2	3,14	64,42	35,58
0,7	0,3	7,5	3,85	74,16	25,84
0,9	0,1	8,3	4,75	93,45	6,55
акрил кислотаси бензоксазолонилметилен эфири – метилакрилат					
0,1	0,9	7,5	1,05	22,50	77,50
0,2	0,8	8,3	2,06	34,72	65,28
0,3	0,7	9,4	3,13	46,12	53,88
0,5	0,5	9,6	4,47	64,32	35,68
0,7	0,3	9,8	5,36	88,81	11,19
0,9	0,1	10,5	6,43	91,24	8,76

Қуйи молекуляр полиэтиленнинг метакрилат билан чокланган полимерланиш кинетикаси ўрганилди. Тозаланган қуйи молекулали полиэтиленни (ҚМПЭ) метилакрилат билан бензоилпероксид ёки нур иштирокида чокланган сополимерланиши ўрганилди. ҚМПЭ ва метилакрилатни чокланган полимерланиши ҚМПЭ CCl₄ да симобли лампа ёрдамида нур таъсирида қиздириб эритилди, сўнгра унга томчилатиб метилакрилат солиб 30 минут давомида қайнатилди. Ҳосил бўлган турғунлаштирувчи кўндирманинг ёзги ва қишги дизель ёқилғисида эрувчанлиги текширилди.



Чокланган полимерланиш кинетикаси ва механизми ИҚ-спектроскопия ва функционал анализ усуллари ёрдамида ўрганилди. Иницирлаш жараёнини қуйидаги кетма-кет реакциялар тавсифлайди. Дастлаб бензоил пероксиди парчаланиб бензоил радикалини ҳосил қилади, сўнгра у ҚМПЭ ва метилакрилат билан таъсирлашиб эркин радикалли фаол марказни ҳосил қилади:




Кейинчалик бензоил радикали метилакрилат билан таъсирлашиб метилакрилат гомополимерини ҳосил қилиши мумкин.



ҚМПЭ чокланиши ҳосил бўлган метилакрилат макрорадикали рекомбинацияланиши ҳисобидан амалга ошади.



ҚМП билан метилакрилат чокланиш самарадорлиги (ЧС) ва чокланиш даражасини (ЧД) дастлабки реакцион аралашма таркибига боғлиқлиги графиги 1-расмда келтирилди. Чокланиш самарадорлиги сополимерни (МА) мономер миқдорига нисбатини ифодалайди.



1-расм. ҚМПЭга метилакрилатни чокланиш самарадорлиги (а) ва чокланиш даражасини (б) дастлабки реакцион аралашма таркибига боғлиқлиги.

Чокланиш даражаси дастлабки ҚМПЭ массасининг чокланган сополимерга кирган метилакрилат миқдорига нисбати билан аниқланади.

Расмдан кўришиб турибдики, метилакрилат миқдори реакцион аралашмада 5 % масс. бўлганда чокланиш самарадорлиги 58 % га тенг. ҚМПЭ ва чокланган сополимер молекуляр-массавий тавсифи реакцион аралашмада


метилакрилат миқдори ортиши билан чокланиш даражаси ҳам ортиб бориши аниқланди.

Қуйи молекуляр полиэтиленнинг этерификацияланган ГИПАН билан чокланган полимерлари олинди ва уларни дизель ёқилғилари учун турғунлаштирувчи қўндирма сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланди.

ГИПАН «Навоiazот» ОАЖ да ишлаб чиқариладиган нитрон толаси чиқиндиси ҳисобланиб акрилонитрил, метилакрилат ва итакон кислотасининг элементар мономер бўғинларидан ташкил топган. Ундаги мономер бўғинларининг нисбати 92,2:6,3:1,5 га тенг.


Қисман гидролизланган полиакрилонитрил (ГИПАН) олиш ТУ 6.1-0020389-53 бўйича амалга оширилди.

ГИПАН асосида пайванд сополимер олиш схемасини қуйидагича келтириш мумкин:



Синтез қилинган пайванд сополимер ва дастлабки моддалар тузилишини аниқлаш мақсадида уларнинг ИҚ- спектри Фурье System 2000 FT-IR спектрофотометрида спектрлари олинди ва аниқланди (2-расм).

ГИПАН ИҚ-спектрида 2957 см⁻¹да кучсиз максимуми СН₂-гурухининг алоҳида валент тебранишини ютилиш соҳаси намоён бўлади. Карбонил гуруҳи валент тебраниши 1667 см⁻¹, интенсив оралиқ максимум соҳада намоён бўлади. NH₂ ва OH гуруҳларни валент тебраниши 3250-3500 см⁻¹ соҳаларда намоён бўлиши кузатилди. NH гуруҳи деформацион тебраниши 1563 см⁻¹ намоён бўлади. СН₂ – СО – гуруҳларга тегишли бўлган 1451, 1408 см⁻¹ ва -C-N- боғига тегишли бўлган 1326 см⁻¹, 680 см⁻¹ да -C-H боғни деформацион тебраниши, 2120 см⁻¹ да -C≡N гуруҳни ассиметрик валент тебраниши кузатилди.



1- ҚМПА; 2- ЭГИПАН, 3-ҚМПА ва ЭГИПАН чокланган сополимери
2-расм. ҚМПА ва этерификацияланган ГИПАН асосида олинган пайванд сополимери ИҚ- спектри

Полиэтилен ИҚ- спектрида 2931- 2855 cm^{-1} соҳада CH_2 гуруҳининг валент тебраниши намоён бўлиши кузатилди. 1132-1378 cm^{-1} даги ютилиш чўққиси яъни $(-\text{CH}_2)_n$ гуруҳига тегишли бўлган, 720 cm^{-1} да CH_2 гуруҳини математик маятникли тебраниши $(-\text{CH}_2)_n$, $n > 4$, гуруҳини 993 cm^{-1} да $-\text{CH}_2$ -гуруҳига тегишли бўлган ясси бўлмаган деформацион тебраниши ҳосил бўлиши кузатилди.

Қуйи молекулали полиэтилен ва этерификацияланган ГИПАН ни пайванд сополимери ИҚ-спектрида NH_2 гуруҳи 3400 cm^{-1} соҳада кенг интенсив чўққини намоён қилади. 2162 cm^{-1} соҳада $-\text{CN}$ гуруҳини ютилиш чўққиси, 1659 cm^{-1} соҳада $-\text{NH}_2$ гуруҳини деформацион тебраниш чўққиси тебраниши $-\text{CH}_2$ – гуруҳини 1353-1325 cm^{-1} соҳада деформацион тебраниши, CH боғга тегишли бўлган 712 cm^{-1} соҳада валент тебранишининг кам интенсивлик чўққисини ютилиши кузатилди.

Қуйи молекулали полиэтилен углерод (IV) - хлоридда эритилди, унга бензоил пероксид инциатори солиб 80-100 °C гача қиздиргандан сўнг ГИПАНни этил эфири оз-оздан солинди ва 5 соат давомида аралаштирилди. Ҳосил бўлган маҳсулот этанол ёрдамида чўктирилди, уни филтрлагандан сўнг доимий оғирликка келгунча 30 °C ҳароратда вакуум қуритиш шкафида қуритилди. Дизель ёқилғисининг қотиш ҳароратига олинган турғунлаштирувчи кўндирма хоссаларини намоён қилувчи сополимерлар таъсири ўрганилди.

Синтез қилинган пайванд сополимерлар (ҚМПА+ЭГИПАН) турли концентрацияларда (0,001-0,1 %) Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилаётган дизель ёқилғиларига қўшилганда дизель ёқилғисининг қотиш ҳароратини -18 °C дан -30 °C гача пасайиштириши кузатилди (3-жадвал).

Шундай қилиб, қуйи молекулали полиэтилен ва гидролизланган полиакрилонитрилнинг этил эфири асосида синтез қилинган сополимерлар дизель ёқилғилари учун турғунлаштирувчи қўндирмалар сифатида қўлланганда, текшириш натижалари уларни стандарт талабларига тўла жавоб беришини кўрсатди.

3-жадвал

Дизель ёқилғисининг қотиш ҳарорати табиатига олинган турғунлаштирувчи қўндирмаларнинг таъсири

Т/р	Намуналар номи	Турғунлаштирувчи қўндирма концентрацияси, %	Лойқаланиш ҳарорати, °С	Қотиш ҳарорати, °С
1	БНҚИЗ 13 курилма дизель ёқилғиси	0,0	-9	-18
2	ҚМПЭ+ГИПАН	0,01	-11	-32
3	ҚМПЭ+ГИПАН	0,05	-11	-34
4	ҚМПЭ+ЭГИПАН	0,10	-11	-35
5	ГИПАН+ММА	0,01	-12	-28
6	ГИПАН+ММА	0,05	-14	-34
7	ГИПАН+ММА	0,10	-15	-34
8	ҚМПЭ+ММА	0,01	-12	-26
9	ҚМПЭ+ММА	0,05	-12	-28
10	ҚМПЭ+ММА	0,10	-12	-33
11	ҚМПЭ+БТОММА	0,01	-12	-27
12	ҚМПЭ+БТОММА	0,05	-13	-27
13	ҚМПЭ+БТОММА	0,10	-14	-30

Диссертациянинг «Дизель ёқилғилари учун синтез қилинган турғунлаштирувчи қўндирмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида, эпихлоргидрин билан бензоксазолонлар асосида синтез қилинган олигомерларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижасида олигомер маҳсулотлар таркибидаги хлор иони миқдори, ҳамда ионитларнинг статистик алмашинув сиғимлари аниқланди (4-жадвал). Шундай қилиб, эпихлоргидрин билан N-бензоксазолинтион-, N-бензоксазолинонметакрилат асосида синтез қилинган анионитлар таркибида карбоксил ҳамда аминоксид гуруҳлари бўлганлиги учун яхши ион алмаштириш, флокуляциялаш ва сорбцияланиш, шунингдек дизель ёқилғиларига турғунлаштирувчи қўндирма қобилятига эга бўлиши аниқланди.

**Эпихлоргидрин ва бензоксазолинонлар асосида олинган
полимерларнинг физик-кимёвий хоссалари**

Полимерлар	Моль нисбати	Реакцияни давом этиш вақти, мин	$\eta_{\text{кел}}, 0,5\%$ эритмада, дм/г	$\eta_{\text{сол}},$ дм/г	0,1н AgNO ₃ СГмикдори	САССГ иони бўйича мг/экв-г
БТТ:ЭХГ	1:1	180	1,74	0,654	25,2	6,42
	1:2		0,97	0,083	24,1	
	2:1		1,32	0,287	22,3	
	5:1		1,56	0,149	22,0	
БТО:ЭХГ	1:1	240	1,67	0,624	23,2	6,15
	1:2		0,93	0,079	23,0	
	2:1		1,25	0,118	22,5	
	5:1		1,48	0,135	22,0	
БОТ:ЭХГ	1:1	180	1,58	0,541	26	6,70
	1:2		0,53	0,034	25,5	
	2:1		0,74	0,075	24,5	
	5:1		0,95	0,095	23	
БОО:ЭХГ	1:1	240	1,35	0,253	20,0	5,80
	1:2		0,42	0,028	20,3	
	2:1		0,64	0,057	21,0	
	5:1		0,83	0,089	21,2	

Этиленнинг гетероҳалқали метакрилатлар билан сополимерларини олиш ва хоссаларини ўрганиш натижасида этиленнинг гетероҳалқали метакрилатлар билан сополимерланиши занжирли эркин радикалли статистик сополимерланиш механизми билан содир бўлади, бу механизм инициирлаш, занжир ўсиши, занжир узатилиши ва занжирнинг узилиши элементлар реакциялар босқичларини ўз ичига олади (5-жадвал).

**Полиметакрилат асосида олинган турғунлаштирувчи қўндирмалар
қўшилган дизель ёқилғиларини физик-механик хоссалари**


Кўрсаткичлар	Дизель ёқилғиси Dts 989:20 01	0,05 %			
		ПБОО	ПБОТ	ПБТО	ПБТТ
Цетан сони	45	53	55	56	58
Фракцион таркиби: 50 % дан юқори бўлмаган ҳароратда ҳайдалади, °С.	280	259	258	256	255
96 % ли ҳайдалади, °С	360	355	354	356	356
Кинематик қовушқоқлиги 20 °С: кВ.мм/с (сСТ) да	3,0-6,0	4,6	4,3	4,2	4,0
Музлаш ҳарорати, °С дан юқори бўлмаган	-10	-24	-26	-27	-29
Хираланиш ҳарорати °С ўртача климатик зонада юқори бўлмаган	-5,0	-8	-10	-12	-13
Ёқилғида олтингугуртни масса улуши: % юқори бўлмаслиги керак	0,2	0,13	0,14	0,16	0,32
100 см ³ ёқилғида мавжуд смолани концентрацияси, мг	40	34	29	28	27

5-жадвал давоми

100 см ³ ёқилғида кислоталиги КОН, мг	5,0	мавжуд эмас			
Йод сони, 100 г ёқилғида	6,0	4,2	4,0	3,8	3,6
Кулланиш, % да	0,01	0,001	0,001	0,001	0,001
Коксланиши,%	0,02	0,016	0,014	0,012	0,010
Фильтрланиш коэффиценти,%	3,0	2,1	1,7	1,5	1,4
Механик аралашмалар миқдори,%	мавжуд эмас				
Сувнинг миқдори, % масс.					
Зичлиги 20 °С: кг/м ³ , да	860	841	836	831	827

Гетероҳалқали метакрилатлар аномал бирикишининг эҳтимоллиги сополимерларда этилен бўғинларининг 10 дан 45 % гача бўлган миқдорда ошиши билан 3 дан 15 % гача ортади, бу ҳолат этилен бўғини билан тугайдиган макрорадикалга гетероҳалқали метакрилатлар бирикишининг катта мойиллиги билан изоҳланади.

Композицион турғунлаштирувчи қўндирмалар полиэтилен чиқиндисидан ажратиб олинган қуйи молекулали полиэтилен ва гетероҳалқали полиметакрилатлар: бензоксазолон (БОО), бензоксазолтион (БОТ), бензтиазолон (БТО), бензтиазолтион (БТТ) асосида тайёрланди. Яратилган полимер композициялар дизель ёқилғиларига қўшилганда унинг қотиш ҳарорати ва лойқаланиш ҳамда фильтрланиш ҳарорати қуйи ҳароратдаги тавсифи яхшиланди, қўндирмасиз ва композицион турғунлаштирувчи қўндирма қўшилган дизель ёқилғиси структураси электрон микроскоп ёрдамида ўрганилди (3-расм).



3-расм. Микроскопда олинган дизель ёқилғиси *n*-парафинлар кристаллари морфологияси ўзгариши тасвири

Тасвирлардан кўринишича, (а) турғунлаштирувчи қўндирма қўшилмаган ёқилғидаги *n*-парафинлар кристаллари узлуксиз тўрсимон 0,05-0,10 мкм ўлчамдаги конгломерант йирик кристаллардан ташкил топган, (б) турғунлаштирувчи қўндирма қўшилган ёқилғидаги *n*-парафинлар кристаллари майда игнасимон кўринишида бўлиши кузатилди.

Қуйи молекулали полиэтилен ва гетероҳалқали бирикмалар асосида олинган турғунлаштирувчи қўндирмаларни дизель ёқилғисига таъсирлашув механизми ўрганилди. Дизель ёқилғилари дисперс системалар ҳисобланади, олинган маълумотларга асосланиб ҚМПЭ ва гетероҳалқали бирикмалар асосида олинган турғунлаштирувчи қўндирмалар ЁДСда ягона адсорбцион механизм бўйича ишлаши аниқланди.

Дизель ёқилғиларда турғунлаштирувчи қўндирмаларнинг самарадорлиги

ДЁ намуналари	Дизель ёқилғиларда 0,05-0,5 масс. турғунлаштирувчи қўндирмалар мавжуд бўлганда қотиш ҳарорати $\Delta t_k(^{\circ}\text{C})$ нинг максимал депрессияси					
	ТҚ- ҚМПЭ	ТҚ - ҚМПЭ- ПБОО	ТҚ - ҚМПЭ- ПБОТ	ТҚ - ҚМПЭ- ПБТО	ТҚ - ҚМПЭ- ПБТТ	БНПЗ Keroflux- 6100
1	22	25	26	27	29	4,0
2	27	23	25	28	31	3,0
3	16	17	18	18	19	4,0
4	31	22	23	25	27	11
5	28	13	14	15	17	3,0
6	12	4,0	6,0	8	10	2,0

Дизель ёқилғилари турғунлаштирувчи қўндирмаларининг самарадорлиги қўндирманинг миқдори 0,05 - 0,5 % масс. бўлганда ДЁ қотиш ва лойқаланиш ҳароратларининг ўзгаришига қараб баҳоланди. ДЁ қотиш ва лойқаланиш ҳароратлари тегишли равишда ГОСТ 20287-91 ва 5066-91 бўйича аниқланди.


Дизель ёқилғиларда турғунлаштирувчи қўндирмаларнинг самарадорлиги қотиш ҳароратининг максимал ўзгариши бўйича маълумотлар 6-жадвалда келтирилган.

Олинган натижаларни солиштириш шуни кўрсатадики, ДЁ дастлабки қотиш ҳарорати қанча паст бўлса, дизель ёқилғиларининг қотиш ҳароратининг камайиш самарадорлиги шунча юқори бўлади. Шунини айтиш керакки, кузатиладиган эффект қўндирмаларнинг кимёвий тузилишга жуда кам даражада боғлиқ бўлади.


Полимер турғунлаштирувчи қўндирмаларни дизель ёқилғисига таъсирини математик моделлаштириш. Дизель ёқилғисининг қотиш ҳароратига синтез қилинган қўндирма концентрациясининг таъсири СТАТИСТИКА дастурини қўллаш орқали математик моделлаштирилди. Иккита кўрсаткич орасидаги ўзаро боғлиқлик модулини тузиш учун корреляцион-регрессион анализ усулидан фойдаланилди. Олинган натижалар қуйидаги 4 ва 5 расмларда келтирилган:

Шундай қилиб, топилган регрессия тенгламаларидан шу йўналишдаги илмий изланишларда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг «**Турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологиясини яратишнинг илмий асослари**» деб номланган **тўртинчи бобида** қуйи молекулали полиэтиленни центрофугалаш усулида ажратиб олиш, улар асосида турғунлаштирувчи қўндирма хоссаларини намоён қилувчи сополимерларни олиш технологияси ҳамда дизель ёқилғилари учун композицион кўп функционалли полимер турғунлаштирувчи қўндирмаларнинг олиш технологик жараёнлари тавсифи келтирилган.



4-расм. ҚМПЭ ва ЭГИПАН асосидаги турғунлаштирувчи қўндирма концентрациясини дизель ёқилғисининг қотиш ҳароратига таъсири математик модели




5-расм. ЭГИПАН ва ММА асосидаги турғунлаштирувчи қўндирма концентрациясини дизель ёқилғисининг қотиш ҳароратига таъсири математик модели

«Шўртангазкимё» мажмуасида Циглер-Натта катализаторларидан фойдаланиб этиленни циклогексанон эритмасида полимерлаб полиэтилен олиш жараёнида ёнаки маҳсулот сифатида қуйи молекулали полиэтилен (ҚМПЭ) чиқиндиси ҳосил бўлади. Унинг ҳажми йилига ўртача 1,5-2,0 минг тоннани ташкил этиб, ушбу чиқинди таркибида 5-10 % гача қуйи молекулали полиэтилен мавжудлиги аниқланди. Ҳозирги пайтда ушбу чиқинди яроқсизлантирилиб, турли мақсадларда ишлатилмоқда.

Полимерлаш жараёнида ҳосил бўладиган органик эритувчида эриган ҚМПЭ ни катализатордан ва реакцияга киришмаган этилендан тозалаш мақсадида эритмани 30-50 °С гача совутилади. Центрифуга-1 механик аралаштиргич билан жиҳозланган бўлиб, аралаштиргич-барабани электродвигател 2 ҳаракатга келтиради. Ушбу центрифуганинг ўз ўқи атрофида айланадиган барабанининг айланиш частотаси 3000 *айл/мин.* ни ташкил этади. Барабан эса тешик металл варақадан тайёрланган бўлиб, унинг ички девори газламадан тайёрланган фильтр материал билан қопланган. Барабандан суспензия фильтр материал орқали марказдан қочма кучлар таъсирида сиқилади.

Аралаштиргичнинг электродвигател 2 ёрдамидаги айланма ҳаракати натижасида марказдан қочма куч ҳосил бўлиб, бунда суспензия таркибидаги ҚМПЭ кристаллари центрифуга 2 нинг деворлари сари интилиб, марказдан эса асосан эритувчилардан таркиб топган нисбатан енгил суюқ фракция–фугат юқориғи чиқиш қувири орқали ажратиб олинади. Асосан ҚМПЭ кристалларидан ташкил топган қуюқлашган масса суюқланиш ҳароратидан пастроқ ҳароратда иситилиб, фильтр-4 да 15-40 мм.сим. уст. ортиқча босимда эритувчи тўлиқ четлашгунига қадар 1,0÷1,5 соат давомида филтрланади. Фильтр- 4 да ажралган эритувчи ва сув буғларидан иборат суюқлик аралашмаси фугат билан биргаликда ректификацион колонна-5 да ҳайдалиб этилциклогексан, циклогексан, циклодекан ва куб қолдиқларидан иборат тор фракцияларга бўлинади (6-расм).




1-центрифуга, 2- мотор, 3-насос, 4- фильтр, 5- ректификациялаш коллонаси, 6- қуриткич, 7- йиғич

6-расм. Қуйи молекулали полиэтиленни центрифугалаш усулида ажратиб олиш принцинал технологик схемаси

Фильтрат насос-3 ёрдамида қуриткич-6 га юборилиб, 60-70 °С ҳароратда 1,5÷2,0 соат давомида қуритилади. Эритувчи буғлари ва ундаги намлик конденсацияланиш натижасида қатламларга ажралиб, сув ва эритувчи ажратилади. Сув ва эритувчи буғларидан ажратилган, қуритилган оч сариқ рангли мумсимон кўринишдаги ҚМПЭ йиғич -7 да йиғилади.

Дизель ёқилғилари учун қуйи молекулали полиэтилен ва ЭГИПАН асосида турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологияси. Дастлаб қуйи молекулали полиэтиленни тозалаб ювиш мақсадида механик аралаштиргичли ўлчов идиши 1 да қуйи молекулали полиэтилен ва ўлчов идиши 2 да содали эритмадан олиб, улар аралаштирувчи қурилма 3да аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашма центрифуга 4 да центрифугаланиб, сувдан ажратилади (7-расм).

Ювиб тозаланган кукунсимон қуйи молекулали полиэтилен 5-насос ёрдамида механик аралаштиргичли аппарат бда углерод (IV)-хлорид эритувчисида аралаштириб эритилади. Қуйи молекулали полиэтиленнинг углерод (IV)-хлориддаги эритмаси насос 7 ёрдамида механик аралаштиргичли қурилма 8 га ҳайдалиб, қуйи молекулали полиэтиленни ГИПАН билан реакциясини таъминлаш мақсадида инициатор сифатида қўлланилаётган БП билан аралаштирилади.



1,2- ўлчов идишлар; 3,6,8-аралаштиргичлар; 4-центрафуга; 5, 7, 9, 13-насослар; 10-реактор-полимеризатор; 11-ваккумли қуритгич; 12-турғунлаштирувчи қўндирмани барқарорлаштирувчи сизим; 14-тайёр маҳсулотни сақлаш учун сизим.

7-расм. Қуйи молекулали полиэтилен ва ЭГИПАН асосида турғунлаштирувчи қўндирма олиш технологик схемаси

Инициаторли қуйи молекулали полиэтилен эритмаси инжекторли аралаштиргич 8 да сульфат кислота иштирокида олдиндан этерификацияланган ГИПАН билан аралаштирилиб, реактор-полимеризатор 10 га узатилади.

Ҳосил бўлган аралашма реактор-полимеризатор 10 да 5 соат давомида 60-80 °С ҳароратда аралаштирилади.

Реактор-полимеризатор 10 да қуйи молекулали полиэтиленнинг ЭГИПАН билан пайванд сополимери ҳосил бўлади. Пайванд сополимери реакция маҳсулотлари билан бирга фильтр 11 да фильтрланганидан сўнг, ҳосил қилинган турғунлаштирувчи қўндирмани 12 сизимга барқарорлаштириш учун узатилади ва тайёр маҳсулот 14 сизимга йиғилади.

Таркибида гетероҳалқа сақланган бирикмалар билан эпихлоргидрин асосида турғунлаштирувчи қўндирмаларни синтез қилиш технологияси

Эпихлоргидрин (ЭХГ) билан гетероҳалқали бирикмалар - бензоксазолтион (БОТ), бензтиазолтион (БТТ), бензтиазолон (БТО) ва бензоксазолон (БОО) лар) асосида дизель ёқилғилари учун турғунлаштирувчи қўндирмалар олинди.

Маҳаллий ишлаб чиқариш чиқиндисидан ажратиб олинган қуйи молекуляр полиэтилен ва метакрил кислотаси асосида пайванд сополимерли турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологияси яратилди.

Дизель ёқилғилари учун кўп функционалли полимер турғунлаштирувчи қўндирмалар олиш технологияси. Лаборатория шароитида Ф-1 композицион қўндирманинг олиндиш услубиёти ишлаб чиқилди. Ф-1

композицион қўндирмасини олиш учун қўлланиладиган лаборатория қурилмаси тескари совутгич, термометр, аралаштиргич билан жиҳозланган термостатга ўрнатилган ҳажми 100 мл бўлган туби юмалоқ уч бўғизли колбадан иборат. Этиленнинг метилакрилат билан сополимерининг ҳисобланган миқдорини колбага жойлаштириб, 2 % ли эритма ҳосил қиладиган ДЁ нинг керакли миқдорида бўкиши учун қолдирилди. Бўкиш вақти олти соатдан кам бўлмади. Олти соат ўтгандан кейин аралаштирувчи қурилмани ишга тушириб, бўккан полимерга аралаштириб туриб термостат ёрдамида 25 °С ҳароратда доим сақлаб турган ҳолда колбага 30 дақиқа давомида компонентларнинг нисбати 50:50 масс. ни ташкил қиладиган метакрилатнинг метакрил кислоталар гетероҳалқали эфирлари билан ҳосил қилган сополимерларини кўшиб турилди.


Компонентлар киритилгандан кейин ҳам яна 30 дақиқа давомида аралаштириш давом эттирилиб, ундан кейин аралаштиргични ўчириб, тайёр композицияни эса бир сутка давомида сақлаб турилди. Бир сутка ўтгандан кейин намуналар олиниб, ҳосил қилинган қўндирма бир жинсли ва қатламларга ажралмаслигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг уни чиқариб олиб таҳлил қилинди. ДЁ да Ф-1 композицион қўндирманинг куйидаги кўрсаткичлар; ГОСТ 305-82 га биноан цетан сони ва кинематик қовушқоқлиги бўйича самарадорлигини баҳоланди. Ф-2 композицион қўндирмани олиш учун юқорида баён этилган қурилма қўлланди (8-расм).

Паст ҳароратли хоссаларни оширувчи бензолсазолтионилметилметакрилатнинг метилакрилат билан сополимерининг куйи молекулали полиэтиленнинг модификацияланган ГИПАН билан пайвандланган сополимерли ва ДЁ нинг ҳисоблаб чиқилган миқдорларини колбага солиб, аралаштирувчи қурилма ишга туширилди. 25 °С ҳароратда 90 дақиқа давомида жараён ўтказилди. БОТММА нинг МА билан сополимери ва ҚМПЭ нинг ГИПАН билан нисбати 10:90 дан 75:25 гача ташкил қилади. 1,5 соатдан кейин аралаштириш тугатилди. Олинган Ф-2 композицион қўндирма Ф-2 (ДЁ даги 25 % ли концентрати) бир сутка давомида сақлаб турилди. Ундан сўнг намуналар олинди ва ҳосил қилинган қўндирма қатламларга ажралмаслигига ишонч ҳосил қилингандан сўнг, таҳлил қилинди. ДЁ ги Ф-2 қўндирмаси самарадорлигининг ЦС, T_n ва T_k ГОСТ га биноан кўрсаткичлар бўйича баҳоланди.

Композицион қўндирмалар «буғ-сув» схемаси бўйича ўралган ғилофли аралаштирувчи реакторларда олинди.

Реактор 6 га Ф-1, Ф-2, Ф-3 ва Ф-4 сиғимлардан тегишли компонентларни ўлчагич F-1, F-2, F-3 ва F-4 лар орқали насослар ёрдамида юкланади. Аралаштирувчи қурилма ишга туширилиб, оптимал вақтга риоя қилиб аралаштириш жараёни ўтказилади. Ф-3 асосида қўндирма ишлаб чиқаришда реактор ғилофига иссиқлик ташувчи етказиб берилади ва аралашма 50 °С ҳароратгача қиздирилади. Ф-1 ва Ф-2 лар асосида қўндирмалар олинишининг оптимал ҳарорати 25 °С ни ташкил қилади. Жараён тугагандан сўнг реактордан реакция маҳсулоти 25 °С гача совутилади, Ф-1, Ф-2 ва Ф-3 лар қўндирма концентрати сиғими 7 га бўшатилади, таҳлил учун намуна олинади

ва маълум сиғимдаги саноат тарасига қадокланади.



Ф-1- этилен+метилакрилат сополимери - МА+МАКГЭ;
Ф-2 – БОТММА+МА сополимери - ҚМПЭ+МГИПАН;
Ф-3 – ҚМПЭ+МГИПАН пайванд сополимери –ҚМПЭ-этилен+МА сополимери;
Ф-4 – ҚМПЭ- ГХБ+ЭХГ.


8-расм. Композицион кўп функционалли полимер турғунлаштирувчи кўндирмаларнинг олиш технологик схемаси

БНҚИЗда ўтказилган синов-саноат ишлаб чиқариш шароитида дастлабки хомашё концентратидан 2 % сақлаган ДЁ базали компонентининг синов партияси 15 тонна миқдорида ишлаб чиқарилди.

Диссертациянинг «Турғунлаштирувчи кўндирмаларнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида синтез қилинган турғунлаштирувчи кўндирмаларни дизель ёқилғиларига қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган. Турғунлаштирувчи кўндирмаларни амалиётда, товар дизель ёқилғисини тайёрлашда тадбиқ қилишдан келадиган солиштирма ҳамда умумий иқтисодий самара муҳокома қилинган. Хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф этилаётган 1 тоннаси 5460 € ёки 18 205 005 сўмга баҳоланаётган кўндирма (Keroflux ES 6100) лар ўрнига 1 тоннаси 1650 455 сўм эвазига ишлаб чиқариладиган маҳаллий чиқиндилар қўйи молекулали полиэтилен билан ГИПАН ва метилакрилатлар асосида олинган турғунлаштирувчи кўндирмаларни қўллаш қўшиладиган кўндирманинг ҳар тоннасига 167 034 550 сўм миқдорда маблағ тежаш имконини беради.

Ёзги дизель ёқилғиси асосида турғунлаштирувчи ва дисперсияловчи кўндирмалар қўшиб тайёрланган қишги дизель ёқилғиси хоссалари

